

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШАВКАТОВ НАВРУЗБЕК ШАВКАТОВИЧ

**ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АМАЛИЁТИДА МОЛИЯВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Шавкатов Наврузбек Шавкатович

Давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни
такомиллаштириш3

Шавкатов Наврузбек Шавкатович

Совершенствование финансовых отношений в практике государственно-
частного партнерства.....25

Shavkatov Navruzbek Shavkatovich

Improving financial relations in the practice of public-private partnership47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШАВКАТОВ НАВРУЗБЕК ШАВКАТОВИЧ

**ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АМАЛИЁТИДА МОЛИЯВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1325 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Элмирзаев Самариiddин Эшқуватович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жумаев Нодир Хосиятович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Хайдаров Низамиддин Хамраевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 04 соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

182 Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «03» 04 куни тарқатилди.
(2021 йил «03» 04 даги 15 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н. Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий интеграциялашув жараёнида давлат ва хусусий бизнес субъектлари ўртасида молиявий муносабатлар тизими ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Дунё аҳолисининг ортиб бориши мамлакатларнинг инфратузилмага бўлган эҳтиёжининг ўсиши ва натижада давлатларнинг хусусий сектор билан ҳамкорлиги доираси кенгайиши кузатилмоқда. «Инфратузилмага инвестициялар кўлами бўйича 2019 йилда Хитойда 142 та лойиҳа учун 26.3 млрд. АҚШ доллари, Бразилияда 33 та лойиҳага 18.3 млрд. АҚШ доллари, Ҳиндистонда 34 та лойиҳа учун 4.6 млрд. АҚШ доллари, Вьетнамда 12 та лойиҳага 4.5 млрд. АҚШ доллари, Россияда 13 та лойиҳага 4.1 млрд. АҚШ доллари йўналтирилган, ушбу давлатларда инфратузилмага инвестицияларда хусусий сектор улуши 63 фоизни ташкил этган»¹. Мазкур жиҳатлар давлат-хусусий шериклик (Public-Private Partnership) муносабатларини ривожлантириш зарурлигини глобал миқёсда намоён этмоқда.

Жаҳонда мамлакатлар инфратузилмасини хусусий сектор маблағлари орқали молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик амалиётида хусусий инвесторлар билан молиявий муносабатларни такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлат-хусусий шерикликда қўлланилиши мумкин бўлган молиявий инструментларни диверсификациялаш, хусусий инвесторларнинг инфратузилмани молиялаштиришини харажатларни бир қисмини қоплаш орқали рағбатлантириш ва субсидиялар бериш воситасида манфаатдорлигини ошириш, мулкӣ ва қарз муносабатларида шерикларнинг позицияларини белгилаш, давлат кафолатларини кенгайтириш, молиявий рискларни адолатли тақсимлаш, давлат-хусусий шериклик муносабатларининг иқтисодийёт тараққиётига таъсир даражаси етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги каби масалалар ўз илмий ечимини топмасдан қолмоқда.

Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика, транспорт, ахборот коммуникация технологиялари каби соҳаларни ривожлантириш долзарб бўлиб турган айни вақтда давлат-хусусий шериклик муносабатлари, ижтимоий муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш борасидаги ислохотларга қарамасдан, соҳага хусусий сектор маблағларини йўналтириш даражаси пастлигича қолмоқда. Айни шундай шароитда жорий йилда «давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш»² да давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини замонавий шаклларда ташкил этиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли

¹Private Participation in Infrastructure (PPI), The World Bank annual report, 2019. <https://ppi.worldbank.org/content/dam/PPI/documents/private-participation-infrastructure-annual-2019-report.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Бу эса давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларни кенг амалга ошириш заруриятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2021 йил 3 февральдаги ПФ-6155-сон «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 20 октябрьдаги ПҚ-3980-сон «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелда 259-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат ва хусусий шериклик муносабатлари, юзага келиши ва амалга ошириш хусусиятлари, мамлакат ижтимоий аҳамиятидаги ўрни ва ривожланишга таъсири, хусусий секторни давлат-хусусий шериклик муносабатларига йўналтириш масалалари, давлат-хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларнинг айрим элементлари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар Э.Р.Йескомб, Ҳ.В.Буффет, В.Б.Эмике, М.Фриедман, Бикрам Шахи, Р.Нурске, А.О.Ҳисрчман, Д.Биеҳл, А.В.Филипковска, Д. Тражановскиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³. МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан

³ Йескомб Э.Р. Государственно-частное партнерство: Основные принципы финансирования (Public-Private Partnership Principles of Policy and Finance.) — М.: Альпина Паблишер, 2015. - 457 с.; Howard W. Buffet and William B. Eimicke. Social value investing: a management framework for effective partnerships, Columbia University Press, 2018; Milton Friedman. The Social Responsibility of Business is Increase its Profits. The New York Times Magazine, 1970; Mr. BikramShahi. Impact of Infrastructure Development on Society: A Case Study of the Narayan Municipality ward No. 1, Dailekh. Exam Roll No: 281391 T.U Registration No: 6-2-55-809-2004 Central Department of Rural Development Faculty of Humanities & Social Sciences Tribhuvan University Kathmandu, Nepal. August, 2012, p 6.; Nurske R., Problems of capital formulation in developing countries, Basil Blackwell, Oxford, UK.1953, p239.; Hirschmann A.O., The strategy of economic development, Yale University Press, New Haven, CT. 1958, p 96.; Biehl, D., The role of infrastructure in regional policy, OECD, Paris. 1994, p34;

Е.А.Дынин, С.С.Чернов, И.С.Суханов, М.В.Фильченкова, Т.М.Матаев, В.Е.Сазонов, Ж.Н.Авилова, О.А.Герасименко, Л.Г.Руденко ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида давлат-хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатлар, хусусий инвесторни жалб этиш масалаларига тўхталиб ўтилган⁴.

Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги молиявий муносабатларнинг айрим жиҳатлари, лойиҳаларнинг самарадорлигини аниқлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш амалиётининг айрим муаммолари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари К.З.Хомитов, С.Э.Элмирзаев, Б.Э.Тошмуродова, Н.Р.Турсунова, Ж.Ж.Қурбонов, У.И.Жуманиязовларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган⁵.

Давлат-хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштиришга илмий тадқиқотлар, хусусий инвесторни молия бозори инструментлари орқали давлат-хусусий шериклик муносабатларига жалб этиш йўналишлари Б.Ашури, Ф.Уллаҳ, М.Ж.Тҳаҳеем, Ҳ.Син, С.Лиу, Ж.Сун, Ф.Р.Даниел, А.В.Лебедоваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган⁶.

Т.Атамуродов ва Б.Хамроевлар ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида хусусий тармоқ ва давлат ҳамкорлиги масаласи, инфратузилмани хусусий тармоқ маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг айрим жиҳатларига

Wojewnik-Filipkowska, Anna & Trojanowski, Dariusz. (2013). Principles of Public-Private Partnership Financing – Polish Experience. *Journal of Property Investment and Finance*. 31. 10.1108/JPIF-10-2012-0049.

⁴Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве // *Общество и экономика*. 2007. № 5-6. С.111.; Чернов С.С., Суханов И.С. Вопросы оценки эффективности реализации социально значимых проектов // *Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса*. 2016. № 4 (37). С. 92–97.; Чернов С.С., Фильченкова М.В. Государственно-частное партнерство: понятие, признаки, внешние эффекты // *Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса*. 2017. № 3 (40). С. 78–82.; Матаев Т.М. Формы государственно-частного партнерства при реализации инфраструктурных проектов // *Государственно-частное партнерство*. 2015. Том 1. № 1. С. 9–18; Сазонов В.Е. Преимущества, недостатки и риски государственно-частного партнерства // *Вестник Российского университета дружбы народов*. 2012. № 3. С. 99–108, Авилова Ж. Н., Герасименко О. А. Сущность, признаки и проблемы развития организационно-правовых форм государственно-частного партнерства в России // *Вестник БГТУ им. В. Г. Шухова*. 2016. № 10. С. 260–266.; Руденко Л.Г. Моделирование современного государственно-частного партнерства как института развития инфраструктуры поддержки малого предпринимательства // *Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса*. 2016. № 3 (36). С. 109–115.

⁵Хомитов К.З., Актуальные вопросы кредитования инвестиционных проектов в Узбекистане // *Бюллетень науки и практики*. 2019. Т. 5. №4. С. 353-358. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/41/50>, Элмирзаев С.Э., Корпоратив молия: дарслик, Т.: «Иқтисод-молия», 2019. 364 б., Тошмуродова Б.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент: Дарслик – Т.: «Иқтисод-молия», 2017. - 336 б.; Kurbonov J., Public and Private Sector Relations for Economic Growth: Evidence from Uzbekistan (March 10, 2016). *European Journal of Business and Management*, Vol. 8, No. 6, 2016; У.И.Джуманиязов. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизларини такомиллаштириш, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати, -Т.: ТДИУ -2017й.

⁶Ashuri B. et al. Risk-neutral pricing approach for evaluating BOT highway projects with government minimum revenue guarantee options, *Journal of Construction Engineering and Management*, 2011.13.8. (2011), pp.545-557; Ullah F., Thaheem M.J. et al., A review of public-private partnership: Critical factors of concession period *Journal of Financial Management of Property and Construction*, 21 (3) (2016), pp. 269 300, 2016; H. Jin, S. Liu and J. Sun et al., Determining concession periods and minimum revenue guarantees in public- private-partnership agreements, *European Journal of Operational Research*; Daniel F. R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth .the Center for Strategic and International Studies (CSIS). January 2017, p4.; Лебедева А.В. Привлечения внебюджетного финансирования при помощи биржевых инструментов для реализации проектов государственно-частного партнёрства // *Экономика и менеджмент инновационных технологий*. 2016. № 3. - Режим доступа: <http://ekonomika.snauka.ru/2016/03/10992>

тўхталиб ўтган бўлсада, давлат-хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатлар етарлича тадқиқ этилмаган⁷.

Н.Обломуродов томонидан давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларига, транспорт соҳасида давлат-хусусий шериклик амалиётини молиялаштиришнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган⁸.

Бироқ мамлакатимиз иқтисодиётида давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш борасидаги бир қатор саволлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ қилишни талаб этади. Бу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни амалга оширишнинг назарий жиҳатларини ёритиш;

давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларнинг ташкилий асослари ва амалга ошириш шакллари тадқиқ этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий сектор молиявий маблағларидан фойдаланишда бизнеснинг ижтимоий маъсулиятининг аҳамиятли жиҳатларини ўрганиш;

инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг молиявий механизмини таҳлил қилиш;

давлат-хусусий шериклик асосидаги инфратузилма лойиҳалари ва уларнинг молиявий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш;

халқаро амалиётда инфратузилма лойиҳаларини хусусий сектор иштирокида молиялаштириш амалиёти таҳлилини амалга ошириш;

давлат ва хусусий шериклик муносабатларида хусусий секторнинг иштирокини ошириш йўналишларини белгилаш;

давлат-хусусий шериклигида молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар олинган.

⁷ Атамуродов Т., Ҳамроев Б. Хусусий тармоқ ва давлат ҳамкорлиги. Монография, Тошкент молия институти, –Т.: —Иқтисод-Молия, 2013. - 96 б.

⁸ Обломуродов Н.Н. “Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш” “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил, 3-бет.

Тадқиқотнинг предмети давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, таққослаш, сценарий таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, истиқболли прогнозлаштириш, SWOT таҳлили, қиёсий ва динамик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳаларининг соф жорий қийматини 30 фоиз доирасида таъсир оралиқларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш асосланган;

ижтимоий соҳадаги инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан субсидиялаш орқали минимал даромадлиликни кафолатлаш асосида давлат-хусусий шерикликда молиявий муносабатлар такомиллаштирилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасида хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва молиявий рискларни минималлаштиришга йўналтирилган алоҳида лойиҳа бошқаруви (SPV) таклиф этилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг молиялаштирилишини инфратузилма облигацияларини жойлаштириш орқали диверсификациялаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат-хусусий шериклик муносабатларининг муҳим вазифалари, инфратузилмани ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти, лойиҳаларни молиялаштириш усуллари илмий асосланган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молиявий инструментларидан фойдаланиш, хусусан, сукук ислом қимматли қоғозлари орқали молиялаштириш тизимини жорий этиш таклиф этилган;

маҳаллий инвесторларни давлат-хусусий шериклик лойиҳасида иштирок этишини молиявий рағбатлантириш механизми асослаб берилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида очиклик, шаффофлик ҳамда рақобатни таъминлаш мақсадида кенг жамоатчилик ва хусусий инвесторлар доирасини хабардорлигини ошириш асослаб берилган

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбаларидан, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг очик статистик ҳисоботларидан олинганлиги, хулоса ва таклифларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар давлат-хусусий шериклик амалиётини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда давлат-хусусий шерикликда молиявий муносабатларни такомиллаштириш ва соҳани ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш ва молиявий муносабатларни такомиллаштириш, халқаро молия институтлари маблағлари, аҳолини эркин пул маблағларини жалб этишда, келгусида яратиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат-хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳаларининг соф жорий қийматини 30 фоиз доирасида таъсир оралиқларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари молиявий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини ишончлилиги ва самарадорлик доирасини белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 02/01-32/395-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида хусусий инвесторнинг кутилаётган ва учраши мумкин бўлган эҳтимолий рисклар ва йўқотишларга тайёр бўлиши, лойиҳадан кутилаётган даромадлилик даражасидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичларининг ўзгариши даражасини баҳолаш ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконияти яратилган;

ижтимоий соҳадаги инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан субсидиялаш орқали минимал даромадлиликни кафолатлаш асосида давлат-хусусий шерикликда молиявий муносабатлар такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ЎРҚ-669-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 02/01-32/395-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф орқали хусусий инвесторларнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига бўлган қизиқиши ва иқтисодий манфаатдорлигини ортишига эришилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасида хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва молиявий рискларни минималлаштиришга йўналтирилган алоҳида лойиҳа бошқаруви (SPV) таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ЎРҚ-669-сон Қонунида ўз аксини

топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 02/01-32/395-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида 6 та лойиҳа учун шартномалар имзоланишга эришилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг молиялаштирилишини инфратузилма облигацияларини жойлаштириш орқали диверсификациялаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги №02-2788-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси инфратузилмасини ривожлантириш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш Стратегияси»да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 02/01-32/395-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш истиқболлари бўйича Агентлик стратегиясига киритилди ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишилган ҳолда амалиётга жорий этиш белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари бўйича 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети белигилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий фаолиятни амалга оширишнинг назарий ва иқтисодий асослари**” деб номланган биринчи бобида давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни амалга оширишнинг назарий жиҳатлари, давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий

муносабатларнинг ташкилий асослари ва амалга ошириш шакллари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий сектор молиявий маблағларидан фойдаланишда бизнес ижтимоий маъсулиятининг аҳамиятли жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар келтирилган.

«Давлат-хусусий шериклик» атамаси инфратузилма ва бошқа хизматлар доирасида давлат ва хусусий корхона ва ташкилотлар ўртасидаги бир қатор иқтисодий муносабатларни тавсифлайди.

Назарий жиҳатларга тўхталадиган бўлсак, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ва хусусий сектор)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир⁹. Давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги транспорт, энергетика ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ижтимоий аҳамиятли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат ва бизнеснинг узоқ муддатли ҳамкорлигининг алоҳида шакли ҳисобланади¹⁰.

Давлат-хусусий шерикчилик принциплари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфратузилмаси, муқобил энергия манбалари, ижтимоий объектлар, шу жумладан, туризм инфратузилмаси объектлари қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир¹¹.

Назарий тадқиқотлар асосида умумий ва хусусий ҳолда муаллифлик таърифи берилди: **Давлат-хусусий шериклиги** - давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва хизматларни тақдим этишга мўлжалланган стратегик, институционал ва иқтисодий-молиявий ҳамкорлик шакли ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклиги – бу кооператив келишувнинг бир кўриниши бўлиб, икки ёки ундан ортиқ давлат ва хусусий сектор вакиллариининг инвестиция, инфратузилма, инновация лойиҳаларида ҳамда ижтимоий-иқтисодий, илмий, шунингдек, давлат аҳамиятига молик дастурлардаги шериклик муносабатлари тушунилади.

Давлат-хусусий шерикликда давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳосил қилинади. Бундан мақсад иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Эҳтиёжларни мунтазам ўсиб бориши шароитида давлат четдан йирик инвестициялар ва қарзларни жалб қилмасдан инфратузилмаларни янгилаш ва ривожлантириш

⁹ Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве // Общество и экономика. 2007. № 5-6. С.111.

¹⁰ Чернов С.С., Суханов И.С. Вопросы оценки эффективности реализации социально значимых проектов // Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. 2016. № 4 (37). С. 92–97.

¹¹ Обломуродов Н.Н. Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №6, декабрь, 2018 йил, 3-бет. <http://interfinance.uz/en/>

учун давлат-хусусий шерикчилик моделларининг турли хил кўринишларини ривожлантирмоғи лозим ва халқаро амалиётда куйидаги ДХШ моделлари кенг қўлланилади (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат-хусусий сектор шериклиги базавий моделлари¹²

Базавий моделлар	Мулкчилик	Бошқарув	Молиялаштириш
Оператор модели	Хусусий / Давлат	Хусусий	Хусусий
Кооперация модели	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат
Концессия модели	Давлат	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат
Шартнома модели	Хусусий / Давлат	Хусусий	Хусусий
Ижара модели	Хусусий	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат

Давлат-хусусий шериклик халқаро амалиётида базавий моделларида мулкка эгалик қилиш тартиби, лойиҳанинг ким томонидан бошқарилиши, молиялаштиришдаги алоҳида жиҳатларга эътибор қаратилади. Давлат ва хусусий сектор шериклигининг асосий шакллари Қуриш-Бошқариш-Ўтказиш (Build, Operate, Transfer – BOT), Қуриш-Эгалик қилиш-Бошқариш-Ўтказиш ((Build, Own, Operate, Transfer - BOOT), Қуриш-Ўтказиш-Бошқариш (Build, Transfer, Operate - BTO), Қуриш-Эгалик қилиш -Бошқариш (Build, Own, Operate - BOO), Қуриш-Бошқариш-Ҳимоялаш-Ўтказиш (Build, Operate, Maintain, Transfer – BOMT), Лойиҳалаш-Қуриш Эгалик қилиш-Бошқариш-Ўтказиш (Design, Build, Own, Operate, Transfer - DBOOT), Лойиҳалаш-Қуриш-Молиялаштириш-Бошқариш (Design, Build, Finance, Operate - DBFO) кабилар ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклигида хусусий сектор иштироки қонунчилик асосида келишув шартларига қараб белгиланади ҳамда унинг иштирок даражаси ўзгариб боради. Айнан хусусий сектор давлат-хусусий шериклигида иштирок этиш даражаси шартнома шакли ва келишувга боғлиқ.

ДХШ инфратузилма объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва фойдаланиш мақсадида йўлга қўйилган давлат билан хусусий сектор ўртасидаги хўжалик муносабати ва иқтисодий алоқалари бўлиб, бундай муносабатлар қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб этиш орқали давлат ва хусусий сектор манфаатлари таъминланади.

Диссертациянинг “**Давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатлар ва уларнинг самарадорлик таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг молиявий механизми, давлат-хусусий шериклик асосидаги инфратузилма лойиҳалари ва уларнинг

¹² Беляевой И.Ю., Эскандарова М.А. Корпоративная социальная ответственность. Учебник. – М.: “Кнорус”, 2018. – 316 с.

молиявий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили, халқаро амалиётда инфратузилма лойиҳаларини хусусий сектор иштирокида молиялаштириш таҳлили амалга оширилган.

ДХШнинг молиявий механизми – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро шериклик асосида молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари ва усулларининг тўплами ҳисобланади.

ДХШнинг молиявий механизми лойиҳани амалга оширишнинг муддати ва технологик жараёнлари ҳамда босқичлари бўйича инвестициялаш даври, амалга оширилаётган лойиҳа доирасидаги чора-тадбирлар узвийлиги ва давомийлиги тизимли кўринишда, келишилган шартлар асосида молиялаштириш асослари ва миқдорлари инобатга олинган тарзда режалаштирилган лойиҳанинг асосий қисми сифатида намоён бўлади.

2-жадвал

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги шартномаси имзоланган ва амалга оширилаётган лойиҳалар таҳлили (31.12.2020 йил ҳолатига)¹³

Инфратузилма тармоқлари	Лойиҳалар сони (дона)	Лойиҳаларнинг ўртача давомийлиги (йил)	Лойиҳалар учун талаб этиладиган инвестициялар миқдори (млн. АҚШ доллариди)	Лойиҳаларда асосий ташаббускор	Лойиҳалар амалга оширилаётган ҳудуд
Энергетика	5	25	2170	Давлат ташаббуси	Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошент вилояти
Коммунал хизматлар	2	10	1,4	Давлат ташаббуси	Хоразм вилояти
Соғлиқни сақлаш	11	15	4,7	Хусусий ташаббус	Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё
Сув ҳўжалиги	2	15	6,1	Хусусий ташаббус	Сирдарё ва Тошкент вилояти
Таълим	1	24	1	Хусусий ташаббус	бутун республика
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	5	10	11,05	Давлат ташаббуси	Наманган, Фарғона, Бухоро
Жами	26	х	2194,25	х	Х

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ДХШ лойиҳалари учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ўртача қийматда 2194.25 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар талаб этилади. Ҳудудлар бўйича ўрганилганда энергетика соҳасида Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошент вилоятларида, коммунал хизматлар соҳасида Хоразм вилоятида, соғлиқни сақлаш соҳасида Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё

¹³Муаллиф томонидан тузилди.

вилоятларида хусусий ҳамда давлат ташаббуслари асосида ДХШ лойиҳаларини амалга оширилётганлигига гувоҳ бўлинади (2-жавдал).

Дунё мамлакатларининг инфратузилмаси асосий тармоқларига 2020 йилда 2710,64 млрд. АҚШ доллари инвестициялар сарфланган бўлса, улардан 49.6 фоизи (1344,48 млрд. АҚШ доллари) бевосита транспорт соҳасига йўналтирилган инфратузилма инвестициялардир. Шу билан бирга, энергетика, ахборот-коммуникациялар тармоғига ва сув таъминоти тизимига мос равишда 32.6 фоиз, 10.5 фоиз ва 7.3 фоизини ёки 1363.46 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Ўзбекистонда ҳам айнан ушбу тармоқларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошириш устунлик қилмоқда (3-жадвал).

3-жадвал.

Инфратузилманинг асосий тармоқларига глобал инвестициялар ҳажми, млрд. АҚШ долларида¹⁴


Инфратузилма тармоқлари	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Транспорт соҳасига	1133,65	1231,44	1255,77	1292,80	1318,32	1344,48
Энергетика	745,10	809,38	825,36	850,30	866,48	883,67
Ахборот-коммуникация соҳасига	239,99	260,69	265,84	273,60	279,08	284,62
Сув ва сув таъминоти	164,56	178,76	182,29	188,80	191,37	195,17
Жами:	2285,59	2482,75	2531,79	2605,50	2657,91	2710,64

Ўзбекистонда хусусий сектор ташаббуси билан амалга ошириладиган ДХШ асосидаги лойиҳалар салмоғининг ошиши мамлакатда давлат бюджети харажатларининг оптималлаштирилишига, тўғридан-тўғри инвестициялар ошиши, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар учун маблағлар ҳажмининг кўпайиши сингари муҳим вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

ДХШ муносабатларини соғлиқни сақлаш, энергетика, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида амалга оширишда **махсус лойиҳа компаниясини тузиш** орқали ташкил этиш самарали ҳисобланади. Мазкур амалиёт ДХШ муносабатларини хорижий компаниялар иштирокида ҳам ташкил этишда афзалликлар тақдим этади (1-расм).

Махсус лойиҳа компанияси (SPV) – хусусий инвестор ёки асосчи компания (parent company) томонидан тузиладиган ўзининг ҳуқуқий мақомига эга ва алоҳида молиявий-хўжалик фаолияти мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. SPV одатда активларни рисклардан ҳимоялаш мақсадида тузилади ва лойиҳа компанияси мустақиллиги таъминланиши орқали асосчи компаниянинг молиявий рисклардан ҳоли бўлишига эришилади. Мустақил ҳуқуқий мақоми туфайли лойиҳа компаниясининг бажарилмай қолиниши мумкин бўлган мажбуриятлари асосчи компанияга таъсир кўрсатмайди.

¹⁴ <https://rosinfra.ru/digest/investment> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



1-расм. Ўзбекистонда махсус лойиҳа компанияси (SPV) тузиш орқали давлат-хусусий шериклиги ишлаш механизми¹⁵

Махсус лойиҳа компаниясини тузишдан кўзланган мақсадлар рисклардан ҳимояланиш, лойиҳани молиялаштириш жараёнини енгиллаштириш, махсус лойиҳа компанияси қулай ссуда ставкаларида капитал жалб этиш имкониятини мавжудлиги, давлат-хусусий шериклик муносабатларида иштирок этганлиги учун солиқлардан имтиёзлар кўринишидаги енгилликлар асосчи компания учун эмас, у яратган махсус лойиҳа компанияси учун тақдим этилади ва бу орқали солиқ имтиёзлари ДХШ механизмлари фаолият доирасида тадбиқ этилишга эришилади. Давлат-хусусий шериклигида махсус лойиҳа компаниясини (SPV) тузиш хусусий инвестор учун лойиҳанинг рискларидан ўз хусусий бизнесининг бошқа қисмларини ҳимоялаш имконини беради. Махсус лойиҳа компаниясини тузиш давлат-хусусий шериклигида томонларнинг молиявий рискларининг камайишига, молия бозоридан кенгрок капитал жалб этиш, молиявий жараёнларни осон бошқариш имконияти юзага келади. Шерикларнинг мулкый жавобгарлик доиралари чегараланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ДХШ асосидаги лойиҳалари таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва хусусий шерик сифатида реал секторда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида давлат-хусусий шериклик

¹⁵ Муаллиф томонидан тайёрланган.

лойиҳалари қонунчиликда белгиланган тартибда ДХШ шартномаси асосида амалга ошириладиганлиги ва илмий-тадқиқот ишида ушбу ДХШ лойиҳаларини асосий кўрсаткичлари ўрганилиб, молиявий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари таҳлили¹⁶

Код ¹⁷	Хусусий шерик	Давлат-хусусий шериклик шакли	Лойиҳа муддати	Лойиҳанинг молиялаштириш манбаси	SPV асосида	Лойиҳа даромад манбаси
L1	«LABCENTER» МЧЖ	Лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	20 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Йўқ	Фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов
L2	«GOLD SUPER GRAND» МЧЖ	Лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	15 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Ҳа	Фойдаланганлик учун тўлов
L3	«GOLD MEDICAL CLINIC» МЧЖ	Молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	15 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Ҳа	Фойдаланганлик учун тўлов
L4	«IPSUM PATHOLOGY» МЧЖ	Молиялаштириш, эксплуатация ва хизмат кўрсатиш	10 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Йўқ	Фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов
L5	«GRAND CROSS MEDICAL» МЧЖ	Қуриш, молиялаштириш, эксплуатация	10 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Йўқ	Фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов
L6	«STOMA SERVIS EZOZA» МЧЖ	Лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	20 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Ҳа	Фойдаланганлик учун тўлов

ДХШ лойиҳаларини амалиётга жорий этишда, энг аввало, мукаммал лойиҳалаштириш босқичидан ўтиши ҳамда, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан асосланган ҳолатда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириладиган ДХШ лойиҳаларининг молиявий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, истикболли йўналишларни белгилаш муҳим ҳисобланади. Таҳлил қилинадиган соғлиқни сақлаш соҳасида ДХШ лойиҳаларида айнан L1, L4 ва L5 лойиҳаларда эркин фойдаланилиш учун тўловларга ажратиладиган бюджет маблағлари билан қутиладиган даромаднинг бир қисмини таъминлаш

¹⁶ <https://pppd.uz/projects-custom> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁷ Кейинги ўринларда ушбу кодлар орқали тегишли давлат-хусусий шериклик лойиҳалари назарда тутилади.

орқали хусусий инвесторнинг молиявий рисклари маълум даражада камайишига эришилган. Шунингдек, ушбу лойиҳаларнинг молиялаштириш манбаси сифатида бевосита хусусий инвестор маблағлари ва банк кредитлари белгиланган. L2, L3 ва L6 давлат-хусусий шериклик лойиҳалари махсус лойиҳа компаниясини тузиш орқали амалга оширилиши белгиланган. L1, L4 ва L5 давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида эса туғридан-туғри хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик амалга оширилиши белгиланган.

5-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг асосий молиявий кўрсаткичлари, млн. сўмда¹⁸

№	Кўрсаткичлар	L1	L2	L3	L4	L5	L6
1	Жами инвестицион харажатлар	8791,3	9300,0	5091,8	3485,3	52368,2	2500,0
	<i>шундан:</i>						
1.1	Асосий капиталга харажатлар	7791,3	8800,0	1303,6	2882,7	46871,7	1500,0
1.2	Лойиҳани фойдаланишга топшириш харажатлари	1000,0	500,0	3788,2	602,6	5496,5	1000,0
2	Лойиҳадан кутилаётган йиллик даромад:	6441,7	3853,0	2450,0	2463,0	19807,0	1266,0
	<i>шундан:</i>						
2.1	Фойдаланганлик учун тўлов	5757,8	3853,0	2450,0	1974,0	6602,0	1266,0
2.2	Эркин фойдаланилиши учун тўлов	683,9	0,0	0,0	489,0	13205,0	0,0

Келтирилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини таҳлил қилиш жараёнида хусусий инвесторларнинг кутилаётган инвестицион қайтим даражасини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлинди, шу асосда ушбу ДХШ лойиҳаларида хусусий инвесторларнинг лойиҳадан кутилаётган даромади ва инвестицион харажатларини келтириб ўтилди (5-жадвал).

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда лойиҳанинг самарадорлиги таҳлилинини дисконтланган таҳлил усуллари – соф жорий қиймат (NPV), ички даромадлилик меъёри (IRR), лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш даврлари (PP, DPP) орқали таҳлил қилиниб, қуйидаги натижаларга эга бўлинди (6-жадвал). Лойиҳадан кутилаётган инвестицион қайтим даражаси (ROI) йиллик таҳлилда келтирилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий инвесторлар учун турлича кўрсаткичларда акс этган. Лойиҳанинг соф жорий қиймати 0 дан катта бўлган кўрсаткичда лойиҳа ижобий баҳоланади ва бунда лойиҳани амалга ошириш мумкин.

¹⁸ minzdrav.uz/openData/csv/concept-LABCENTER.pdf маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарадорлик
кўрсаткичлари¹⁹**

№	Кўрсаткичлар	L1	L2	L3	L4	L5	L6
1	NPV, млн. сўмда	625,6	1978,5	1058,1	1594,2	14985,1	592,9
2	IRR, фоизда	17,3%	19,4%	20,0%	26,9%	14,0%	14,4%
3	PP, лойиҳанинг қопланиш муддати	6 йил	5 йил	4 йил	3 йил	6 йил	5 йил
4	DPP, лойиҳанинг дисконтланган қопланиш муддати	15 йил	9 йил	9 йил	5 йил	8 йил	7 йил
5	WACC, капиталнинг ўртача тортилган баҳоси, фоизда	16%	16,5%	17,8%	20,8%	6,0%	12,2%

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг соф жорий қийматини турли хил таъсир оралиқларида ҳисобга олиш, лойиҳада инвесторнинг йўқотишларини пасайтириш ёки даромадлигини оширишга нисбатан аниқроқ ёндашувини намоён этади. Зеро, инвестор лойиҳанинг бориши давомида унинг параметрлари белгиланган прогноздан четлашиши даражасига қараб, самарадорлик ўзгаришини баҳолаш имкони юзага келади (7-жадвал).

**Соф жорий қиймат таъсир оралиқларини ҳисобга олган ҳолда давлат-
хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш²⁰**

Код	Соф жорий қиймат таъсир оралиқлари							
	Инвестиция харажатлари				Кутилаётган даромад			
	-30%	-15%	+15%	+30%	-30%	-15%	+15%	+30%
L1	√	√					√	√
L2	√	√	√			√	√	√
L3	√	√	√			√	√	√
L4	√	√	√	√	√	√	√	√
L5	√	√	√			√	√	√
L6	√	√	√			√	√	√

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, ДХШ лойиҳаси учун инвестицион харажатларнинг 30 фоизгача камайиши ёки кутилаётган даромаднинг 30 фоизгача ошиши лойиҳанинг соф жорий қийматида таъсирга эга ҳисобланади. Агар лойиҳа харажатлари белгиланган миқдордан ошиш кузатилса, кутилаётган даромадлилик ўзгармаган ҳолатда лойиҳа маъносини йўқотади, инвестор учун даромадли бўлмайди. Натижада хулоса қилиш мумкинки, лойиҳанинг инвестицион харажатлари белгиланган таъсир оралиқларида кутилаётган даромадга пропорционал тарзда ўзгариши лойиҳанинг соф жорий қийматининг ижобий бўлишига сабаб бўлади.


Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари соф жорий қиймати таъсир оралиқларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги

¹⁹ minzdrav.uz/openData/csv/concept - маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

